O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 6 сентябр чоршанба

Сотувда эркин нархда
№ 174 (2471)





## АНДИЖОН: МАШИНАЛАР ПАХТАЗОРДА!

*Инсонда шундай туйғу бор: у ҳамиша бошқалардан-да олдинда бўлишга интилади, меҳнати самарасига ишониб яшайди. Балки андижонликларнинг бугунги кунда барча соҳаларда ибрат бўлаётганларининг боиси ҳам ана шу туйғу устуворлиги бўлса, не ажаб?*

*Кеча қўриқ Улуғнор тумани пахтазорларида бирваракайига ўнлаб «Кейс»ларнинг теримга сафарбар этилишидан нафақат деҳқонлар, ҳатто кўпни кўрган отахонларнинг ҳам юраги ҳаприқиб кетди ва беихтиёр «Бизники биринчи», дейишди улар ғурурга тўлиб.*

*— Биринчи бўлиш осон эмас, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Қобулжон Обидов. — Бу — машаққатли ва шарафли меҳнат маҳсули. Меҳнат қилган киши эътибор топгани каби, лафзи ҳалол пахтакорларимизнинг ҳам юзлари ёруғ бўлажак.*



**СУРАТЛАРДА: туман пахтазорларида; «Кейс» ҳайдовчиси Мадаминжон Қамбаров; яна бир бункер тўлди.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## «ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!»

Бундан роппа-роса икки ой муқаддам Тошкентдаги Марказий ҳарбий-спорт клуби ўйингоҳида "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" ҳарбий ватанпарварлик қўшиқлари фестивали бўлиб ўтган эди. Фестивалда янграган қўшиқлар ҳамон юртдошларимиз қалбида жаранглаб турибди. "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" сўзлари бутун миллатни бирлаштирувчи шиорга айланди. Ҳозирда бу фестивал мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

3 сентябр куни мазкур фестивал Самарқандда ўтказилди. Унинг анъанавий ташаббускорлари – Фидокорлар миллий демократик партиясининг Ёшлар қаноти, Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси, Мудофаа вазирлиги, Ёшлар телерадиоканали, "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси, "Тарона-Рекордс" студияси қаторига Самарқанднинг "СТВ" телерадиокомпанияси ҳамда "Даракчи" газетаси ҳам қўшилди.

Шаҳар марказидаги "Динамо" ўйингоҳига одам сиғмай кетди. Вилоят санъаткорлари ҳамда меҳмонлар - Руслан Шарипов, Тоҳир Содиқов, Равшан Собиров каби таниқли эстрада хонандалари ижросида она-Ватан мадҳ этилган қўшиқлар янгради. Ҳарбийлар ҳамда спортчиларнинг чиқишлари томошага ўзгача кўрк бахш этди. Тинчлик ва дўстлик, Ватанга муҳаббат туйғулари акс этган қўшиқларга томошабинлар ҳам жўр бўлди.

Фестивал вилоят бўйлаб давом этаётган мустақиллик байрами шодиёналарига уланиб кетди. Тадбирдан тушган маблағлар чекка қишлоқларда спортни ривожлантиришга сарфланади.

**Уйғун РЎЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингиз Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари, Ўзбекистон халқи ва ҳукуматини табриклайман.

Келажакда ўзаро алоқаларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш йўлида икки мамлакат имкониятларидан кенг фойдаланилаётганлигининг шоҳиди бўламиз, деб умид қиламан.

Худованди каримдан Сиз, Жаноби Олийлари, Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига саломатлик ва равнақ тилайман.

**Саййид Муҳаммад ҲОТАМИЙ,**
**Эрон Ислом Республикаси Президенти.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Қирғизистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан йўллаган самимий қутловларингизни миннатдорлик билан қабул қилдим.

Қирғиз ва ўзбек халқлари ўртасидаги биродарлик муносабатлари бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверишиi тўғрисида билдирган фикрингизга тўлиқ қўшиламан.

Ўз навбатида Қирғизистон халқи ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон Мустақиллиги куни муносабати билан ғоят самимий қутловларимни изҳор этмоқчиман. Мустақилликнинг ўтган тўққиз йили мобайнида биродар ўзбек халқи Сизнинг раҳбарлигингизда дунёвий ва демократик Ўзбекистонни барпо этишда ғоят катта муваффақиятларга эришди ва Сиз туфайли, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мамлакатингиз бугунги кунда бутун дунёда юксак иззат-ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлмоқда.

Халқаро террорчи тўдаларнинг Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳудудига бостириб кириш йўлидаги уринишлари билан боғлиқ фожиали воқеалар умумий хавф-хатарни даф этишда халқларимизнинг руҳи мустаҳкам эканлигини ҳамда мамлакатларимизнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига қилинадиган ҳар қандай тажовузга қарши туришда давлатларимиз ўртасида яна ҳам жипсроқ ҳамкорлик зарурлигини яна бир бор кўрсатди.

Ишончим комилки, қирғиз ва ўзбек халқлари ўртасида муваффақиятли ривожланиб бораётган қардошлик ва яхши қўшничилик муносабатларига ҳеч қандай таҳдид ва хавф-хатар путур етказа олмайди ҳамда танлаб олинган ижтимоий-сиёсий ривожланиш йўлидан қайтишга бизни мажбур қила олмайди.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Қирғизистонга бўлажак расмий ташрифингиз вақтида Сиз билан учрашиш имкониятини сабрсизлик билан кутмоқдаман.

Сизга, оилангизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистоннинг қардош халқига эса тинч осмон, фаровонлик ва равнақ тилаб билдирган истакларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

**Асқар АКАЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Мамлакатингизнинг Миллий байрами — Мустақиллик куни билан Сизни ва қардош Ўзбекистон халқини чин қалбдан муборакбод этаман.

Ўзбекистон қисқа давр мобайнида мустақил, демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида буюк муваффақиятларга эришди. Сизнинг раҳбарлигингизда эълон қилинган ва ҳаётга татбиқ этилаётган сиёсий ҳамда иқтисодий ислоҳотлар Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ўсишига самарали таъсир кўрсатди, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш учун мустаҳкам негиз яратди, халқ фаровонлиги ошишини таъминлади.

Шу нарса қувончлики, Озарбойжон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси давлат қурилиши жараёнида стратегик шериклардир. Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар икки мамлакат манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверишига ишончим комил.

Биз Озарбойжон — Ўзбекистон ҳамкорлигининг катта имкониятларидан тегишли равишда муваффақиятли фойдаланиш, халқаро ва минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз.

Президент Жаноблари, фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, масъулиятли давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, мамлакатингизга эса осойишталик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

**Ҳайдар АЛИЕВ,**
**Озарбойжон Республикаси Президенти.**

**(Давоми 2-бетда).**

## «АСАКА» БАНКИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Ўзбекистон мустақиллигининг тўққиз йиллиги арафасида республиканинг етакчи банкларидан бири — "Асака" банки Осиё банкирлари уюшмасига (ОБУ) аъзо бўлди. Ҳозирги пайтга қадар Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Ўзбекистоннинг уюшмадаги ягона вакили эди.

Осиё банкирлари уюшмаси 1981 йилда Тайпейда (Хитой) Осиё ва Тинч океани савдо палаталари конфедерациясига хизмат кўрсатувчи марказ сифатида ташкил этилган эди.

Уюшма таркибига АҚШ, Австрия, Франция, Германия, Италия, Голландия, Австралия, Россия, Янги Зелландия, Испания, Португалия, Япония, Жанубий Корея, Туркия каби 120 дан ортиқ мамлакатларнинг кўзга кўринган молия муассасалари кирган.

Эндиликда "Асака" банки ва унинг мижозлари халқаро ишбилармонлик алоқалари кенгайишидан келиб чиқувчи барча манфаатлардан фойдаланиши мумкин. Ривожланиш молия институтларининг жаҳон ташкилоти /WFDFI/ орқали маълумотлар алмашиш, Осиё банкирлари уюшмаси аъзолари ва уларнинг мижозлари ўртасида қўшма бизнесни ташкил этиш имконияти, институтлар билан доимий музокараларни йўлга қўйиш, Осиё банкирлари уюшмасининг айрим аъзолари лойиҳаларини маблағ билан таъминлашга таъсир кўрсатиш, Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари ўртасидаги савдо, саноат ва инвестиция ҳамкорлигини кенгайтиришга ёрдам бериш шулар жумласидандир.

"Асака" банки ва унинг мижозларига банк ишининг турли жабҳалари бўйича юқори малакали маслаҳатчи ва экспертлар хизмат кўрсатади, шунингдек, молиялаштиришни кенгайтириш имкони пайдо бўлади. Банк мутахассислари Осиё банкирлари уюшмасининг Жаҳон банки, БМТнинг ривожланиш дастурлари, UNCTAD/WTO (ITO) Жаҳон савдо маркази ва Германиянинг халқаро ривожланиш жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этган ўқув дастурлари ёрдамида таълимни давом эттириш ва ўз малакаларини ошириш имконига эга бўлди.

**(ЎзА).**

## ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА ТЎҚҚИЗ ЙИЛ

### Ўзбекистон ўз Мустақиллигининг 9 йиллигини нишонламоқда

Тошкентда — байрам. Кўчалар одамлар билан гавжум. Минглаб таниқли санъаткорлар ва ҳаваскор артистлар шаҳар майдонлари ва хиёбонларидаги саҳналарда концерт бермоқда. Республикада яшовчи турли миллат — ўзбек, тожик, қозоқ, татар, уйғур, рус, украин, корейс тилларида қўшиқлар янграмоқда.

Ўзбекистонда байрамларни завқ-шавқ билан нишонлашади. Меҳнатни ҳам қойиллатиб қўйишади. Республиканинг минтақадаги етакчи давлат деб аталиши ҳам бежиз эмас — Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан Марказий Осиёнинг энг фаровон давлатидир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов "Ўзбекистон — мусулмонларники!" каби шиор билан чиққан миллатчилик кайфиятига берилган мухолифатдан фарқли ўлароқ, Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ "Кучли ҳокимият — кучли давлат" деган тамойилга амал қилди. Ўша кезларда Президент минглаб одамнинг қони тўкилганидан кўра, юзта одам ҳибсга олинишини афзал, деб билди. Демократияга хилоф, деб ҳисоблайсизми? Ғарб демократияси нуқтаи назаридан шундай дейиш мумкиндир.

Бироқ Ўрта Осиёдаги мавжуд воқелик Ислом Каримовга мамлакатни кучли ларзаларсиз Ғарбга хос демократиялашга йўл қўймасди.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида вужудга келган қатор республикалар бошқарувида кузатилаётган тартибсизликлар Ўзбекистонга хос эмас. Мамлакатдаги барқарорлик ва изчил ривожланаётган иқтисодиёт — Каримов юритаётган қатъий сиёсат самарасидир. Марказий Осиёда бўлган ҳар бир киши Ўзбекистонда турмуш даражаси қўшни мамлакатларга нисбатан анча юқори эканлигини тасдиқлайди. Бу омил ҳам Тошкентнинг минтақадаги етакчилиги учун асос бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодчи Каримов танлаган ислоҳотлар йўлини нималар деб аташмади: бир "Туркия йўли", бир "Жанубий Корея йўли", бир "Хитой йўли", дейишди. Бироқ бугунги кунда бу йўл "ислоҳотларнинг ўзбекча модели" дея қатъий эътироф этилмоқда. Бу айни ҳақиқатдир. Ислоҳотларнинг Ислом Каримов илгари сурган асосий тамойили — бу "бош ислоҳотчи — давлат" демакдир.

**(Давоми 2-бетда).**

СПОРТ

## ОҚ ЙЎЛ, ОЛИМПИАДАЧИЛАР!



### Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, ёруғ юз билан қайтишингизга ишонамиз

Кеча пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида Сиднейга йўл олаётган 77 нафар спортчимизни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов, Миллий олимпия қўмитаси президенти Собир Рўзиев спортчиларимизга омад тиладилар.

Ҳамюртларимиз мамлакатимиз байроғи остида узоқ Австралияда бокс, эркин кураш, юнон-рум кураши, енгил ҳамда оғир атлетика, дзю-до ва яна кўплаб спорт турлари бўйича майдонга тушадилар.

Спортчиларимиз аждодларимиз руҳи қўлласин, дея жўнаш олдидан шавкатли бобомиз Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Олимпиадачиларимиз бугун тонгда Куала Лумпур орқали Сиднейга учиб кетишади.

**Озод РАЖАБОВ,**
**Н.МУҲАММАДЖОНОВ**
**(сурат),**
**«Халқ сўзи»**
**мухбирлари.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

***• Кеча Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Японияга қилган расмий ташрифи якунланди. Гарчи ушбу учрашув давомида бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида Жанубий Курил масаласида бирор айтарли натижага эришилмаган бўлса-да, бироқ икки мамлакат ўртасидаги алоқаларга доир кўпгина масалалар юзасидан келишувларга эришилди.***

***• «Франс Пресс» агентлигининг хабар беришича, шу кунларда Ироқ ҳукумати раҳбари Саддам Хусайннинг соғлиғи ҳар қачонгидан ҳам оғирлашган. Шу муносабат билан Ироқ раҳбари лозим топилган вақтда ўзининг қатор ваколатларини кенжа ўғли Қусай Ҳусайнга топширишини маълум қилган.***

***• Панама парламентида бошқарув мухолиф партия вакиллари қўлига ўтди. Ўтган ҳафтада парламент раислигига мухолифат етакчиларидан бири Лауринтино Кортисо сайланди. Бунга Инқилобий демократик ҳамда Христиан-демократик партиялари ўртасида ўзаро иттифоқ тузилиши туфайли эришилди.***

***• Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) Шимолий Кореяга ХВЖ ҳамда Жаҳон банкининг ҳар йили ўтказиладиган қўшма анжуманида махсус меҳмон сифатида қатнашишни таклиф этди. Учрашув шу йилнинг 26 сентябрида Прагада ўтказилади.***

## ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ МАҲБУСЛАР ЙЎҚ

Кейинги пайтларда айрим хорижий оммавий ахборот воситалари ва баъзи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари Ўзбекистонда гўё қандайдир сиёсий маҳбуслар борлиги ҳақида асоссиз хабарлар тарқатмоқда. Чет элдаги айрим журналистлар юртимизга нисбатан амалга оширилаётган террорчилик, диний экстремистик ҳаракатларни нотўғри талқин қилиб, мақолалар эълон қилмоқда. Бу билан улар оммани чалғитишга ва жиноятчиларнинг тегирмонига сув қуйишга уринмоқда.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон Олий суди, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Прокуратураси масъул ходимлари оммавий ахборот воситалари вакилларига ушбу масала юзасидан батафсил маълумот берди.

Жумладан, адлия вазири Абдусамад Полвонзода журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон Конституциясида ва қонунларида фуқароларнинг виждон эркинлиги таъминланиши аниқ ёзиб қўйилгани, одамларимиз ўзи истаган динга эътиқод қилиши ёки умуман эътиқод қилмаслиги кўрсатилганини таъкидлади.

— Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда атиги саксонга яқин масжид фаолият кўрсатарди, — деди, жумладан, А.Полвонзода. — Улар ҳам тегишли органларнинг қаттиқ назорати остида эди. Ҳатто раҳбар ходимлар ўз яқинларининг жанозасига бора олмаган пайтлар бўлган. Энди эса мустақил Ўзбекистонда бирор инсон ўз диний эътиқоди учун таъқиб этилаётгани йўқ ва этилмайди ҳам. Мамлакатимиздаги масжидлар сони эса икки мингга яқинлашиб қолган. Насронийларнинг юз элликдан ошиқроқ, шунингдек, бошқа дин вакилларининг ҳам кўплаб ибодатхоналари ишлаб турибди. Шундай экан, диний экстремизм, террорчилик, босқинчилик, одам ўлдириш, мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлашга уриниш каби ҳаракатларни амалга оширгани учун қамалган жиноятчиларни "сиёсий маҳбус" деб гўё "ҳимоя қилиш" қайси мантиққа тўғри келади?

Жаҳоннинг қайси мамлакатини олиб қараманг, конституциявий тузумга дахл қилиш, бузғунчиликни мақсад қилган ташкилотлар тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки фаолиятида бевосита иштирок этиш қонун томонидан тақиқланади. Дунёвий, демократик жамият қуришдек олий мақсадни кўзлаган Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистонда конституциявий тузумни ағдариб ташлаш мақсадида ўзаро тил бириктирган Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний сингари халқаро террорчилар ва уларнинг гумашталари томонидан қилинаётган ишлар жиноят саналмаса, унда нима? Ўтган йилнинг 16 феврал воқеалари халқимизнинг ёдидан ҳали кўтарилгани йўқ. Ўшанда шаҳримизнинг энг гавжум жойларида "автомобил-бомбалар" портлатилган эди. Бу жиноят эмасми? Оддий одамлар ҳаётига қасд қилганлар бу иши учун қамалса, уларни "сиёсий маҳбус" деб аташ тўғри бўладими? Бундай шахслар қонун олдида қилмишларига яраша жавоб бериши керак ва бераяпти ҳам.

**(ЎзА).**

Саломатлик хизмати

# КУЙДИРГИГА ЙЎЛ БЎЛСИН

### агар Қонунга амал қилинса...

Айримлар «Куйдирги қаёқдаю қонун қаёқда, куйдиргининг қонунга нима алоқаси бор?» дейишлари мумкин. Мен гапни бежиз шундан бошламадим. Мамлакатимизда «Ветеринария инспекцияси тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги ва «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинганидан хабардорсиз. Мақсад – аҳоли соғлигини сақлаш. Тан олиш керак, бизнинг қонимизда қонунга бўйсунишдан кўра унга лоқайдлик, бепарволик кўпроқ. Бу, айниқса, қўшни давлатларда куйдирги касаллиги тарқалиши муносабати билан яққолроқ сезилмоқда. Нега дейсизми? Чунки...

Қарши шаҳар деҳқон бозорига қарашли кушхонага яқинлашишимиз билан димоққа бадбўй ҳид урилди. Гап-сўзлардан маълум бўлдики, бу ерда гоҳи кунлари 5-6 та, гоҳо 20 тагача қорамол сўйилар экан. Сўйиладиган ҳар бир мол ветеринар кўригидан ўтказилиб, мол соғлом, гўшти истеъмолга яроқли, деб сотишга рухсат этилаётган экан. Ростдан ҳам шундайдир. Аммо гап шундаки, ўша ветеринар молларни кўрикдан қандай ўтказмоқда? Молнинг соғ-носоғлиги қай тариқа аниқланмоқда? Рухсатнома нимага асосланиб берилаяпти? Буни ветеринария дўхтири Жўра Абдуллаев ҳам, Қарши шаҳар давлат ветеринария бўлими бошлиғи Қудрат Абдуллаев ҳам бизга тушунтириб беришолмади.

– Ветеринар рухсати бўлса, биз бир нарса дея олмаймиз. – дейди Қарши шаҳар давлат санитария назорати маркази бошлиғи Мурод Норбадалов. – Бунинг учун замонавий талаблар ҳисобга олинган ҳолда, янги кушхона қурилиши керак. Моллар фақат шу ерда кўрикдан ўтказилиб, сўйилади. Молни дуч келган жойда сўйиш, кўча-кўйда гўшт сотиш барҳам топади. Қачондан бери шу ҳақда гапирамиз. Аммо ўзгариш йўқ. Куйдирги хавфи кучайган ҳозирги шароитда бу жуда муҳимдир.

Хўш, Қашқадарё вилоят ветеринария бошқармасидагилар шуни тушунишадими?

– Қурғоқчилик шароитида куйдирги касаллигининг тарқалиши хавфи кучаяди, – дейди вилоят ветеринария бошқармаси юқумли касалликлар бўлими бошлиғи Ўктам Муродов. — Шуни ҳисобга олиб, молларни куйдирги касаллигига қарши тўлиқ эмлаб чиққанмиз. Айни пайтда дезинфекцияловчи дорилар, эмламалар ва даволаш воситалари етарли миқдорда бор. Бундан ташқари, 369 та зооветеринария пункти очдик. Вилоят ҳудудига кириш жойларида 5 та пост ташкил этилган. Уларда дезбарьер ўрнатилган. Вилоятда 41 та кушхона, 340 та гўшт дўкони тўлиқ назорат ўрнатилган...

Ўктам Муродовнинг кушхона ва гўшт дўконларида тўлиқ назорат ўрнатилди, деган гапига қўшилиш қийин. Негаки, унинг ўзи ҳам ҳали бу соҳада расмиятчилик билан иш тутилаётганлигини яхши билади. Бундан ким зарар кўради? Сизу биз — ўзимиз.

Қарши шаҳар темирйўл шоҳбекатида, Қарши-Толлимаржон автомобил йўлида санитария назорат пунктлари кечаю кундуз ишлаб турибди. Уларда зарарсизлантирувчи моддалар, ҳимоя кийимлари, тиббий асбоб-анжомлар етарли. Куйдирги касаллигининг ташхиси, давоси, лаборатория диагностикаси ва муҳофазаси бўйича жойларда сайёр семинарлар ўтказилди. Аҳоли ўртасида кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоят божхона экспертиза лабораторияси катта нозири, божхона катта лейтенанти Ч. Хидировнинг гувоҳлик беришича, гўшт, сут, тери маҳсулотларини алоҳида кўрсатма бўлгунга қадар, вилоят ҳудудига олиб кирмаслик бўйича топшириқ берилган (Аслида, Қашқадарёда бу маҳсулотлар сероб ва арзон. Шунинг учун олиб келинмайди).

Қарши-Керки автомагистралида жойлашган 5-божхона масканида дезбарьер қурилиб, ишга туширилган. Божхона масканларига санитария эпидемиология назорат марказлари ва ветеринария бўлимларидан мутахассислар биркитилган. Қўшни Туркманистон, Тожикистондан поездлар орқали келаётган фуқароларнинг юклари санитария ва ветеринария ходимлар иштирокида назоратдан ўтказилмоқда.

Бу яхши. Аммо қонун талаблари қатъий ва тўлиқ бажарилса, янаям яхши. Шунда куйдирги эмас, бошқа юқумли касалликлар хавфи ҳам бартараф этилади.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ОИЛА – ВАТАН ТАЯНЧИ

«Ўз уйим – ўлан тўшагим» деган гап бор. Ҳар бир хонадон Ватан ичидаги бир мўъжаз ватанки, унда авлодлар ворислиги, ҳаёт барқарорлиги устувор. Ҳар бир оила бу азиз она-Ватан қудратининг алоҳида-алоҳида суянчиқларидир. Оила фаровонлиги — Ватан гуллаб-яшнашига асос.

Тоғли Бўстонлиқ туманида Нанай қишлоғи бор. Кекса ўқитувчи Жўрабой Норматов хонадонини бу ерда катта-кичик яхши билади. Жўрабой ака — Нанай, Псков, Испай қишлоқларида мактабларга раҳбарлик қилиб, юзлаб йигит-қизларни ҳаёт деб аталмиш катта йўлга етаклаб олиб чиққан инсон. Бу болажонлик, меҳр-шафқат фарзандларига ҳам, ўқувчиларига ҳам бирдек. Дарвоқе, рафиқаси Гулнора опа билан 8 ўғил-қизни ўстириб, Ватан хизматига камарбаста қилиб тарбиялади. Тўнғичи Султонбой билан қизи Маърифатой ота изидан бориб, малакали педагоглар бўлиб етишишди. Содиқжон — ҳуқуқшунос, Шарифжон — ҳали талаба, Фароғатой — қишлоқ шифохонасида меҳнат қилади. Сабоҳатой — «Оқтош» санаторийсида хизматчи.

Муқаддас она-заминга чуқур илдиз отган бундай авлодлар ҳар бир қишлоқда ўнлаб топилади. Уларнинг узвийлиги мустақил Ватан тараққиётининг яна бир поғона юқорилаши учун асос бўлади.

**СУРАТДА:** оила даврасида.

**Владимир ПОРТНОВ**
**олган сурат.**

Гулистон тумани маркази – Деҳқонобод қўрғонида янги коллеж

## БЎЛАЖАК ФЕРМЕРЛАР КОЛЛЕЖИ

фойдаланишга топширилди. 600 нафар ўқувчига мўлжалланган бу билим даргоҳида ёшлар механизатор, энтимолог, фермер-ўсимликшунос, фермер-чорвадор ва ҳисобчилик касбларини эгаллашади.

300 миллион сўм маблағ ҳисобига бунёд этилган бу коллеж 1,2 миллион долларлик замонавий ўқув асбоб-ускуналари билан таъминланади. Уни тумандаги 4-қурилиш-монтаж бошқармаси жамоаси бунёд этди.

**Ўз мухбиримиз.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Ахборот, спорт ва ҳарбийватанпарварлик* — 133-78-92;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 716, 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ.
Навбатчи — Т. АБДУРАҲМАНОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 20.45*
1 2 3 4 5 6

Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёда ягона корхона

«Лок колор синтез» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

*Ўзбекистон халқи ва унинг меҳмонларини Мустақиллик байрами билан қутлайди ва республикада* **ЭНГ АРЗОН НАРХЛАРДА** *сифатли маҳсулотларнинг савдоси бошланганини маълум қилади.*

**Кенг ассортиментдаги маҳсулотлар!**



**ҚУРИЛИШ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН:**
- ✓ Уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари.
- ✓ Ташқи деворлар учун бўёқлар.
- ✓ Алкид эмаллари.
- ✓ Полларни бўяш учун эмаллар.
- ✓ Ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар.
- ✓ Акрилат эмаллари.
- ✓ Грунтовка ва шпатлевкалар.
- ✓ L 80,100,120 мм.ли михлар.
- ✓ Эмульсия елими.
- ✓ Силикат елими.

**САНОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН:**
- ✓ Универсал алкид бўёқлари.
- ✓ Универсал алкид лаклари.
- ✓ Алкид-уретан эмаллари.
- ✓ Акрилат эмаллари.
- ✓ Грунтовка ва шпатлевкалар.

Манзил: Ўзбекистон, 700005, Тошкент ш., Фарғона йўли к., 35.
Тел.: (99871) 1914741,1918094. Факс (99871) 191746.
E-mail: lokolor@online.ru.

3055

## АЛЛОМАНИ ХОТИРЛАБ

Беруний туманида улуғ қомусчи аллома, буюк ватандошимиз Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Райҳон ал-Беруний таваллудининг 1027 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказилди.

Алломанинг киндик қони тўкилган заминга олимлар, ёзувчилар, улкан даҳо мероси мухлислари тўпландилар. Шу куни сайёҳлар ва шаҳар аҳли учун мўлжалланган замонавий чойхона биносига илк ғишт қўйилди. Барпо этилаётган аллома музей-мажмуасида қурилиш ишларини тезлаштириш юзасидан чоралар белгиланди.

– Бобомиз бутун Турон заминининг ифтихори ҳисобланади. – дейди Беруний тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси депутати О. Жуманиёзов. – Эндиликда улуғ элдошимизнинг 1030 йиллик таваллуд санасига тайёргарликни бошлаб юбордик.

**Я. ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЯНГИ ШИФО МАСКАНЛАРИ

Оқдарё тумани марказий шифохонаси қошида шошилинч тиббий ёрдам маркази ташкил этилди. Марказда бирйўла 26 бемор даволаниши учун барча имкониятлар яратилган. 20 дан ортиқ малакали ҳаким ва ҳамшира беморлар саломатлиги йўлида жон куйдираяпти.

Шунингдек, тумандаги «Гулистон» жамоа хўжалигида 3 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатадиган янги қишлоқ врачлик пункти ҳам фойдаланишга топширилди. Шифо маскани қарийб 2 миллион сўмлик замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

**Қўш хабар**

## САҲРОДАГИ МЎЪЖИЗА

«Мойбулоқ» — Каттақўрғон туманидаги энг олис хўжалик. Чўлу биёбонларда йирик иншоотлар барпо этиш осон эмас. Шу жиҳатдан қараганда, Бурган қишлоғида замонавий услубда қурилган мактаб биносини саҳродаги мўъжизага қиёслаш мумкин. Ҳамма қулайликлар муҳайё этилган бу билим масканида янги ўқув йилидан бошлаб 422 нафар ўқувчи таҳсил ола бошлади.

Мактаб биноси қурилиши учун 400 миллион сўм маблағ сарфланди. Қурилиш-монтаж ишларини Самарқанд очиқ турдаги лойиҳалаш-қурилиш ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли Каттақўрғон туман қурилиш корхонаси бунёдкорлари қисқа вақтда амалга оширдилар.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## НОГИРОНЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Тўқсон ёшни қоралаб қолган марғилонлик Ҳакимжон ота Абдуллаевга байрам арафасида Германияда ишлаб чиқарилган «Майер» русумли ногиронлар аравачаси топширилди.

– Иккинчи жаҳон урушидан оғир яраланиб қайтганман, – дейди отахон. – Сўнгги йилларда тўшакка михланиб қолгандим. Икки йилдан бери шаҳримиздаги мустақиллик танталарида иштирок этишга муштоқ эдим. Шу орзуимга эришдим. Ногиронлар аравачасини миниб олиб, байрамни кун бўйи нишонладим. Шу кунларда 80 дан зиёд ногиронларнинг хонадонларига қувонч кириб келди. Ногиронлик аравачалари асосан ҳомийлар ва саховатпеша инсонларнинг маблағлари ҳисобига сотиб олинди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«ТЕЗИНТОМ» ЎЗБЕК-ГЕРМАН ҚЎШМА КОРХОНАСИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ҲИСОБЛАНАДИ.

**МЕТАЛЛ-ЧЕРЕПИЦАЛАР афзаллиги:**
Материалнинг турли хил комплектлари етказиб берилади.
Ҳар хил об-ҳаво шароитига юксак даражада чидамли
Ташқи кўриниши фусункор, осон йиғилади, ранглар жилоси табиий
Эски томни таъмирлаш ва созлаш давомида уни осонгина монтаж қилиш мумкин.
Амалда умрбоқий материал
*Биз сиз билан ҳамкорлик қилишдан мамнунмиз!*

*Томёпқич материали* ВА АКСЕССУАРЛАР
**Металл черепица**
Тўлов шакли-турлича
ҲОЗИР БУ МЎЪЖИЗА МАТЕРИАЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА.



Энг яхши жаҳон стандартларига жавоб беради.
Листнинг кенглиги 1.065 м
Узунлиги 0.95 м. дан 10 м.гача
1 кв.м. материалнинг оғирлиги 4.5 кг
Ишлаб чиқариш учун зарур хомашёни хорижий фирмалар етказиб беради.

**СИЗНИНГ УЙИНГИЗ ҲАМИША КЎРКАМ КЎРИНАДИ!**

Йиғиш инструкцияси тавсия этилади. Буюртмачи хоҳишига кўра, том ёпиш-монтаж ишлари юксак маҳорат билан амалга оширилади.
Сиз фақат қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилсангиз бас:+998 (71)
162-42-74, 162-78-59, 162-96-31
факс: 162-41-05. E-mail: tezintom@globalnet.uz




**ДИҚҚАТ! ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!!!**
«ТЕЗИНТОМ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ: ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРЛАРИДА ТАШҚИ КЎРИНИШИДАН БИЗНИНГ МАҲСУЛОТГА ЎХШАБ КЕТАДИГАН «ТОМЁПҚИЧ МАТЕРИАЛЛАРИ» ПАЙДО БЎЛДИ. БИРОҚ БУНДАЙ «МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦАЛАР» СИФАТ ЖИҲАТИДАН «ТЕЗИНТОМ» НИНГ ҲАҚИҚИЙ МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦАЛАРИГА МУТЛАҚО ДОШ БЕРА ОЛМАЙДИ. БУ «ҚЎЛБОЛА» МАТЕРИАЛНИ ХАРИД ҚИЛАРКАНСИЗ, БИР НЕЧА ОЙДАН КЕЙИН УЙИНГИЗ ТОМИНИ ҚАЙТАДАН ЁПИШГА МАЖБУР БЎЛАСИЗ. ФАҚАТ «ТЕЗИНТОМ» НИНГ МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦАЛАРИГИНА СЕРТИФИКАТГА ЭГА БЎЛИБ, УЛАР ЎХШАШИ ЙЎҚ, ЭНГ ЯХШИ ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИГА ЖАВОБ БЕРА ОЛАДИГАН, ҲАҚИҚИЙ УМРБОҚИЙ ТОМЁПҚИЧ МАТЕРИАЛЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ!

3131

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитаси Олий Мажлис депутати Муҳиддин Зайниевга онаси

**Ҳакима ХАЙРИЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси вазир маслаҳатчиси А.Ҳошимовга онаси

**Холдорой ая ҲОШИМОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси ходимлар бўлими бошлиғи Мавлуда Раҳматовага онаси

**Қумри ая ПИРИМҚУЛОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти жамоаси илмий муҳаррир Салима Мирзабековага акаси

**Ғайрат МИРЗАБЕКОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармаси жамоаси «Осиё» бош муҳарририяти бош муҳаррири Аҳмаджон Қосимовга падари бузруквори

**МАҲМУДЖОН отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат «Пахта-банк»и бошқаруви, касаба уюшмаси ва жамоаси Пул муомаласи бошқармаси бўлим бошлиғи М.Қовунбоевга турмуш ўртоғи

**Турсуной ХОЛОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раҳбарияти «Бухоро ёғ-экстракция» ҳиссадорлик жамияти раиси Муҳиддин Зайниевга онаси

**Ҳакима ХАЙРИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.